



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021-yil “22” fevral

Қ-100 -son

Termiz sh.

**Ер майдонини захирага
қайтариш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5, 36 ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасига асосан, Кадастр агентлиги вилоят бошқармасининг 2021 йил 02 февралдаги YRDK-01/21-02-сон тақдимномаси ва Денов туман ҳокимлигининг 2020 йил 03 декабрдаги 01-36/1106-сон хатини инобатга олиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. “BIO AGRO SURXONDARYO” МЧЖга писта боғ барпо этиш ва кўчат етиштириш учун Денов тумани С.Рахимов ҳудудидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилган жами 326,8 гектар, шундан, 102,3 гектар суғориладиган экин ер, 214,6 гектар яйлов, 4,3 гектар сув ости ерлар, 2,7 гектар йўллар, 2,9 гектар бошқа ер майдонлари Денов тумани ҳокимлиги захира ер фондига қайтариб олинсин.

2. Вилоят ҳокимининг 2018 йил 19 апрелдаги Қ-308-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Кадастр агентлиги вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов) ер майдони қайтариб олиниши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов